



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 16 сентябрь, № 199 (7979)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



«МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИ ЧОРРАҲАСИДА» ХАЛҚАРО МАДАНИЯТ ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Мухтарам дўстлар! Хонимлар ва жаноблар!

Авваломбор, «Марказий Осиё — жаҳон цивилизациялари чорраҳасида» халқаро маданият форумининг Сиз, хурматли иштирокчиларини чин қалбидан самимий кутлайман.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида ушбу Форумни ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг ташаббусини қўллаб-қувватлаганлари учун Бош котиб Антониу Гутерриш жанобларига ва Форумни ҳамкорликда ташкил этишда амалий кўмак кўрсатган ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле хонимга алоҳида миннатдорчилигимни билдиришман.

Фурсатдан фойдаланиб, анжуманда бевосита қатнашаётган ҳамкор давлатлар ҳамда нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар намояндаларига, етакчи олимлар ва экспертларга, мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари ташаккур изҳор этаман.

Саховатли Ўзбекистон заминига, қадимий Хива шаҳрига хуш келибсиз!

Қадрли меҳмонлар!

Буюк Ипақ йўли чорраҳасида жойлашган Марказий Осиё минтақаси асрлар давомида турли халқлар ва цивилизациялар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда гоят муҳим ўрин эгаллаб келаётганини жаҳон ҳамжамияти

якши билади ва юксак эътироф этади.

Бундан уч минг йил муқаддам минтақада илк шаҳарлар ва давлатчиликнинг вужудга келиши бу ҳудудда янги ҳаётий тушунчалар ва фалсафий қарашларнинг, илм-фан, хусусан, тиббиёт ва астрономия, жуғрофия ва математика, геодезия, меъморчилик соҳаларининг, маданий-маърифий ва диний қадриятларнинг жадал тараққий этишига асос яратди.

Минтақамизнинг қадимий илм-фан, маданият ва цивилизация марказлари ҳақида сўз юритганда Самарқанд ва Бухоро, Угрор ва Хўжанд, Марв ва Ўш сингари унлаб шаҳарлар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Шу билан бирга, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Абу Наср Форобий, Мирзо Улуғбек сингари буюк олимлар, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Моғридий, Бурхониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий, Нажмиддин Кубро каби улуг уламолар, Камол Хўжандий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Махтумқули, Абай, Тўқтағул, Бердақ сингари машҳур шоирлар, Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолiddин Беҳзод каби мусаввирлар, кўплаб хаттот ва созандалар, мусикашунос ва меъморларнинг номларини тилга олишимиз табиийдир.

Мазкур халқаро форум минтақамизнинг кўҳна ва навқирон шаҳарларидан бири — икки минг йиллик шонли тарихга эга бўлган Хивада ўтказилаётганида ўзига хос рамзий маъно мужассам.

Бугунги Форум Марказий Осиё давлатлари ва халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик, яхши кўшничлик муносабатларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, минтақа халқларининг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаларини янада чуқур аниқлаш ва ўрганишга имкон беради.

Ушбу халқаро маданият форуми доирасида Хива шаҳрида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Маданий мерос масалалари бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси кенгашининг йиғилиши, Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ) маданият вазирларининг навбатдаги мажлиси, Нукус шаҳрида «Археология ва туризм: салоҳиятни белгилаш ва меросдан фойдаланиш» халқаро археология анжумани ҳамда II Халқаро бахшичилик санъати фестивали, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон маданий меросини асраш, ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича бутунжаҳон жамиятининг V халқаро конгресси ўтказилишини биз ана шу йўлдаги муҳим амалий қадамлар сифатида эътироф этамиз.

Мухтарам дўстлар!

Биз минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, маданий-гумани-

тар соҳаларни рағнақ топтиришга хизмат қиладиган кенг қўламли лойиҳаларни бундан буён ҳам давом эттирамиз. Бу эзгу мақсадга фақат ўзаро ҳамкорликда, саъй-ҳаракатларимизни бирлаштирган ҳолда эриша оламиз. Марказий Осиёнинг тарихий ва маданий муштараклиги, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг умумий қадриятлари фаровон келажакни бунёд этишимиз учун мустаҳкам заминдир.

Бугун биз Янги Ўзбекистонда илм-фан ва маданият соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар орқали янги Ўйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратишга бел боғлаганмиз. Бу борада биз жаҳон ҳамжамияти билан, Сизлар каби кўзга кўринган илм-фан ва маданият намояндалари билан яқин ҳамкорлик муносабатларини амалга оширишдан манфаатдоримиз.

Анжуманимизнинг барча иштирокчиларига мустаҳкам соғлиқ, Марказий Осиёнинг бетақор маданияти ва санъати, илм-фан, моддий ва номоддий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш йўлида куч-ғайрат ва янги ютуқлар ёр бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШҲТНИНГ ДУШАНБЕДАГИ ЮБИЛЕЙ САММИТИ ТАДБИРЛАРИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16-17 сентябрь кунлари Тожикистон Республикаси пойтахти — Душанбе шаҳрида бўлиб ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей мажлиси тадбирларида иштирок этади.

Тожикистон раислигида ўтказилаётган саммит ишида ШҲТга аъзо давлатлар — Хиндистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғиз Республикаси, Покистон Ислому Республикаси ва Россия Федерацияси етакчиларининг иштирок этиши кутилмоқда.

Ташкилот ҳузурдаги кузатувчи давлатлар томонидан Беларусь Республикаси, Эрон Ислому Республикаси ва Мўғулистон Президентлари қатнашади. Мажлиснинг фахрий меҳмони сифатида Туркменистон раҳбари тақлиф этилган.

Шунингдек, тадбирда ШҲТ ижроия органлари ва бошқа халқаро институтлар раҳбарлари қатнашади.

Кун тартибига мувофиқ, иштирокчилар ШҲТнинг ўтган 20 йилги фаолиятининг асосий яқунларини кўриб чиқадилар, кўп томонлама ҳамкорликнинг долзарб вазифаларини муҳофизат қиладилар. Глобал сийosat ва минтақа кун тартибидagi масалалар юзасидан ҳам фикр алмашиладилар.

Саммит якунида Душанбе декларациясининг қабул қилиниши, давлатлар раҳбарларининг қарорлари ва Ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга доир бошқа кўп томонлама ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. ШҲТга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтиши саммитнинг муҳим воқеаси бўлади.

Бундан ташқари, Президентимиз дастуридан ҳамкор давлатлар раҳбарлари билан қатор икки томонлама музокаралар ҳамда Афғонистондаги вазият бўйича «ШҲТ — КХШТ» форматидagi учрашууда иштирок этиш ўрин олган.

Ў.А.

ДУШАНБЕДАГИ САММИТДАН СЎНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА РАИСЛИК ЎЗБЕКИСТОНГА ЎТАДИ

16-17 сентябрь кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги йиғилишида иштирок этади, деб хабар бермоқда «Дунё» АА мухбири.

Ўзбекистон бугунги кунда дунёдаги энг йирик ва нуфузли минтақавий ҳамкорлик тузилмаларидан бири бўлган мазкур ташкилотни таъсис этган давлатлардан биридир. 2001 йил 15 июнь кунини ШҲТ ташкил этилганидан буён йигирмата олий даражадаги учрашув бўлиб ўтди. Навбатдаги саммит Тожикистон томони раислигидаги гибриッド форматда уюштирилади. ШҲТ Низомига мувофиқ, 2021-2022 йилларда ШҲТ раислиги Ўзбекистонга ўтади ва мамлакатимизда ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши ўтказилади.

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН МАЪМУРИЙ ВА СОЛИҚ ЮКИНИ ЯНАДА КАМАЙТИРИШ, БИЗНЕСНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, давлат назоратини такомиллаштириш ва «Солиқчи — кўмакчи» тизими орқали уларга нисбатан маъмурий ва солиқ юкни камайтириш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммо ва тақлифларини бевосита ўрганиш, тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2021 йил 20 август кунини ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилашсинки, а) куййдирилган 2021 йил 1 октябрдан бошлаб бекор қилинади:

қатъий белгиланган миқдордаги жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўловчиси бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан солиқ органларига солиқ ҳисоботини топшириш мажбурияти;

алоҳида тайёр импорт истеъмол товарларининг божхона декларацияси расмийлаштирилган санадан кейин 12 ой ўтгач соғтувга қўйилиши ҳамда чакана савдода реализация қилинишига қўйилган таъқиқ;

б) 2022 йил 1 январдан 2023 йил 1 январга қадар республика туманларида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) фаолият юритувчи яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектларига белгиланган ижтимоий солиқ ставкаси икки бараварга пасайтирилган ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорини белгилаш.

Молия вазирлиги 2021 йил 1 декабрга қадар ушбу банддан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Савдо-саноат палатасига маҳаллий шартномалар доирасида юзага келадиган енгил бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш ваколати берилсин.

3. Адлия вазирлиги, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 1 октябрдан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг назорат функцияларини 1-иловага мувофиқ бекор қилиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки: тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг қонунчилик талабларига (кейинги ўринларда — мажбурий талаблар) мувофиқлигини текшириш бўйича давлат назорати функциялари рўйхати қонун билан тасдиқланади, бунда тегишли қонун қабул қилингандан сўнг рўйхатга киритилмаган давлат назорати функцияларини амалга оширишга йўл қўйилмайди;

ваколатли органни хабардор этиш тартибидан ўтказиладиган текширувлар рўйхатига фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлиги, атроф-муҳитга зарар етказиш хавфининг олдини олиш учун кечиктириб бўлмайдиган назорат тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ текширувлар, шунингдек, сайёр солиқ текширувлари киритилмади;

(Давоми 2-бетда).

ДУНЁ ТАМАДДУНИГА БЕШИК БЎЛГАН ЗАМИН

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда 2021 йилда Хива шаҳрида «Марказий Осиё — жаҳон цивилизациялари чорраҳасида» мавзuida халқаро форум ўтказиш ташаббусини илгари сурган эди.



Форум

Жорий йилнинг 14-15 сентябрь кунлари Хива шаҳрида мазкур халқаро форум ҳамда Маданий мерос масалалари бўйича халқаро маслаҳат кўмитасининг I йиғили-

ши бўлиб ўтди. Шунингдек, аънавий Маданий мерос ҳафталиги дастури доирасидан ТУРКСОЙ давлатлари маданият вазирлари доимий кенгашининг йиғилиши ҳам ўрин олди.

Хивада ўтказиладиган маданий тадбирларда иштирок этиш учун

дунёнинг 60дан ортиқ давлатларидан келган 300 нафардан зиёд олимлар, экспертлар, тарихчилар, 100дан ортиқ хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари Урганч халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.

3

Танзила НОРБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси:

ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА



Ўзбекистон сўнгги беш йилда нафақат ички сийosatда, балки халқаро муносабатларда ҳам мутлақо янги форматни танлаб, очик, прагматик ва амалий ташқи сийosat олиб бораётгани дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилиб, мамлакатимизга нисбатан ишонч руҳи ва ҳамкорликка бўлган интилиш сезиларли даражада кучайди. Хусусан, минтақамиздаги давлатлар билан дўстлик ва яхши кўшничлик муносабатлари йўлга қўйилди. Қатор ривожланган мамлакатлар, халқаро тузилмалар билан алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бундай ижобий жараёнлар парламентларо ҳамкорликда ҳам кўзга яққол ташланмоқда.

Биз ва жаҳон

Бунга жорий йил 6 — 9 сентябрь кунлари Вена шаҳрида Парламентларо Иттифоқ томонидан БМТ ва Австрия парламенти ҳамкорлигида ташкил этилган жаҳон парламентлари аёл раҳбарлари 13-саммити ва парламентлар раҳбарлари 5-бутунжаҳон конференциясида парламентимиз делегациясининг муносиб қатнашгани, улар доирасида мамлакатимиз ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилувчи қатор учрашувлар ўтказилгани, асосийси, бу нуфузли тадбирлар якунида салмоқли келишувларга эришилганлигини ёрқин мисол сифатида келтириш мумкин.

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН МАЪМУРИЙ ВА СОЛИҚ ЮКИНИ ЯНАДА КАМАЙТИРИШ, БИЗНЕСНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

2022 йил 1 апрелдан босқичма-босқич мажбурий талабларнинг электрон реестри жорий қилинади. Бунда мазкур реестр давлат органлари ва ташкилотлари ўз ваколатлари доирасидаги соҳалар бўйича белгиланган тартибда тақдим этган мажбурий талаблар рўйхати асосида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан шакллантирилади ва юрифтади.

5. 2022 йил 1 январдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

назорат қилувчи органлар тадбиркорлик субъектлари фаолиятини белгиланган тартибда тасдиқланган **саволнома бўйича текширади**;

Савдо-саноат палатаси аъзоси бўлган тадбиркорлик субъектининг фаолиятини текширишда ушбу тадбиркорлик субъекти розилиги билан **Савдо-саноат палатаси ходимлари иштирок этади**;

Текширишларни рўйхатга олиш китобининг ҳисоби электрон тарзда Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан юрифтади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувларни ўтказишга қонунбузилишларга йўл қўйилишининг олдини олиш бўйича **профилактика тадбирлари белгиланган тартибда ўтказилганда сўнг йўл қўйилади**, бундан солиқ текширувлари, жиноят ишлари ва тезкор-қидирув фаолияти доирасида, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари бузилиши ҳақидаги мурожаатлар ва маълумотлар асосида ўтказиладиган текширувлар мустасно.

6. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний

манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2022 йил 1 апрелга қадар** тадбиркорлик соҳасида давлат назорати билан боғлиқ катта ҳажмдаги маълумотларни ййиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш имконини берувчи, шунингдек, қўйидаги имкониятларга эга **“Ягона давлат назорати”** ахборот тизими ишлаб чиқишиши ва ишга туширилишини таъминласин:

давлат назорати функциялари, мажбурий талаблар, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга мансабдор шахсларнинг **электрон реестрларини шакллантириш ва юритиш**;

текширувларни электрон рўйхатга олиш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобининг ҳисобини юритиш; тадбиркорлик субъектларини тегишли мажбурий талаблар бўйича **онлайн ўқитиш** ва фаолияти мажбурий талабларга мослиги бўйича **ўзини ўзи текшириш механизмларини жорий қилиш**;

назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган текширишларнинг белгиланган тартибда ўтказилишини баҳолаш.

7. 2022 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига маъмурий босим даражасини аниқлаш ва енгиллаштириш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган **Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги индекси** (кейинги ўринларда — Индекс) жорий этилсин.

Белгилансинки:

а) **Индекс** Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан **“Ягона давлат назорати” ахборот тизими орқали текширув натижалари асослиги ҳамда қонунийлиги,**

профилактик тадбирлар ва текширувлар мутаносиблиги, тадбиркорларнинг **текширув натижаларидан қониқиш даражаси** каби кўрсаткичлар асосида тузилади;

б) назорат қилувчи органлар ҳар ярим йил якунлари бўйича **1 августга қадар**, йил якунлари бўйича **1 февралга қадар** амалга оширилган назорат тадбирлари таҳлилни Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга киритади;

в) Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳар ярим йил якунлари бўйича **1 сентябрга қадар**, йил якунлари бўйича **1 мартга қадар Индекс натижалари тўғрисидаги ахборотни** ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида **кўп такрорланувчи ҳуқуқбузарликлар** ҳамда улар содир этилишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида маълумотни “Ягона давлат назорати” ахборот тизимига жойлаштирилади ва **жамоатчиликка эълон қилади**.

8. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Д.Қосимов) ва **назорат қилувчи органлар раҳбарларига** “Ягона давлат назорати” ахборот тизимига маълумотларни тўлиқ ва ўз вақтида киритиш ҳамда уларнинг ҳаққонийлиги учун **шахсий жавобгарлик юклансин**.

9. Молия вазирлиги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг асослантирилган ҳисоб-китобини бўйича **2021 йил 1 ноябрга қадар** Вазирлар Маҳкамасининг захира жағмағмаси маблағлари ҳисобидан “Ягона давлат назорати” ахборот тизимини ишлаб чиқиш учун 1 миллиард сўмгача бўлган миқдорда маблағлар ажратилишини таъминласин.

10. Тадбиркорликни юриштири енгиллаштириш ва бизнеснинг

Танзила НОРБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси:

ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Юртимизнинг халқаро миқёсдаги обу-этибори қанчалик юксалса, унинг вакилларига бўлган ишонч ва ҳурмат ҳам шунчалик ортиб бориши ушбу сафар давомида кўп бор кузатдик. Гап исботи билан бўлиши учун Парламентлараро Иттифок парламентлар раҳбарларининг 5-бунтуғажох конференциясида Ўзбекистон делегацияси раҳбарларининг уч марта сўзга чиқишини мамнуният билан келтиришмоқчимиз. Бунинг замирида сўнгги йилларда халқаро ҳамжамиятнинг юртимизга, унда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларга қизиқиши тобора ортиб бораётгани натижаси, десак, тўғри бўлади.

Дунёнинг 115 парламентдан келган 850 га яқин делегатлар иштирокидagi конференцияда Ўзбекистонда одамлар яшаш тарзини янада яхшилаш, барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш, экологик мувозанатни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани, бу саъй-ҳаракатлар қандай самара бера болаётгани ҳақида сўзлаб бердик. Юртимиздаги бу эгиз ишлар делегатлар томонидан илқ кўтиб олинди ва қўллаб-қувватланди.

Айтиш жоизки, бу тадбирлар барча қатнашчилар учун бирдек манфаатли бўлди. Зеро, уларда бутун дунёга дахлдор долзарб масалалар муҳофаза қилинди. Инфор тажрибалар билан танилиш имконига эга бўлди. Парламентлараро Иттифокга аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарлари саммитида кейинги йилларда инсониятни қўйиб турган пандемия ва унинг оқибатларини бартараф этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистонда пандемияга қарши курашишда Президентнинг: “Хозирги мурракаб вазиятда биз учун гоят муҳим икита вазифани самарали ҳал этиш — энг долзарб заруратга айланмоқда. Яъни биз аҳолимининг соғлиги ва ҳаётини асраш, шу билан бирга, иқтисодийётимизни тиклаш, одамларга ишлаб дарамад топиши учун шароит яратиб бериш муаммосини бир пайтнинг ўзида ҳал этмоқчимиз”, деган фикрлари асосида олиб борилган саъй-ҳаракатлар ва қўрилган чора-тадбирлар дастуриламал бўлмоқда. Натижа эса ёмон бўлмади, катта талафотларсиз бу балоғи жузюлашга эришдик.

Саммитда биз бошқа давлатларнинг бу борадаги тажрибалари билан танилиш имконига эга бўлдиқ. Албатта, бу мазкур йўналишдаги ишларимизни янада изчиллик билан давом эттиришимизда кўл келади.

Саммит давомида иштирокчиларга Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш борасида қилинаётган ишлар ва кўлга киритилаётган натижалар, пандемиядан кейинги даврда олдимизда турган долзарб вазифалар ҳақида ҳам кенг маълумот бердик. Айниқса, хотин-қизларнинг иқтисодийётдаги иштироки ва фаоллигини ошириш ҳамда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларга грантлар, кредит ажратиш, шунингдек, қизлар ва аёлларни ўқитиш, касб-хўнарларга ўргатиш бўйича халқаро тажрибининг хабарга кенг татбиқ этиш йўналишидаги иштирокимиз иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Даржақат, юртимизда гендер тенгликка эришиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Аввало, соҳанинг ҳуқуқий асослари шакллантирилиб, жамиятнинг ҳар бир жаҳасида эркаклар ва хотин-қизлар учун тенг шароит, имкониятлар яратиб берилаётганлигини айтиш жоиз. Бунинг натижасида кейинги йилларда тадбиркор ва фермерлар, депутат ва сенаторлар, турли маком-

даги раҳбарлар ўртасида хотин-қизлар сонин сезиларли даражада кўпайди. Опа-синглиларимиз орасидан ҳоким ва элчилар, маъсул лавозимларда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар етишиб чиқаётганлиги яна бир ютуғимиздир.

Бу масалага бунчалик ҳиддий эътибор берилишининг сабаби битта, у ҳам бўлса, жаҳон миқёсида ортирилган тажриба шундан далолат берадиги, айнан эркак ва аёллар учун тенг имконият мавжуд давлатларда аҳоли турмуш фаровонлиги ва ижтимоий-сиёсий фаоллиги жуда юқори. Ватанимизни янада кудратли, аҳолини ҳаётдан рози қилмоқчимизми, демак, жаҳон тажрибасида синналган гендер тенглик масаласини каттиқ тутишимиз табиий.

Бежиз бундай нуфузли анжуманда жаҳон парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммитини 2022 йилда Ўзбекистонда ўтказиш ҳақида қарор қилинмади. Бу айни соҳада олиб бораётган эгиз саъй-ҳаракатларимиз, эришаётган ютуқларимизнинг халқаро миқёсдаги ўзига хос эътирофидир.

“ Парламентлараро Иттифок Бош котиби Мартин Чунгонг Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатини модернизация қилишида парламент ва сиёсий партиялар ролини мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни юқори баҳолаб, хотин-қизлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ролини оширишга доир сиёсатимизнинг устувор йўналишларини доимо қўллаб-қувватлашини билдирди. ”

Янги Ўзбекистон, унинг дадил одимлари, ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда эришаётган ютуқлари Вена анжуманлари доирасида ташкил этилган юқори даражадаги учрашувларда ҳам кўп бора таъкидлаб ўтилди. Хусусан, Парламентлараро Иттифок Бош котиби Мартин Чунгонг Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатини модернизация қилишида парламент ва сиёсий партиялар ролини мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни юқори баҳолаб, хотин-қизлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ролини оширишга доир сиёсатимизнинг устувор йўналишларини доимо қўллаб-қувватлашини билдирди.

Нуфузли халқаро ташкилот раҳбарини эътирофи ва ишончи мисолида ҳам юртимизга хайрихоҳликни ҳамда бу заминда олиб борилаётган демократик ислоҳотларга берилган ҳаққоний баҳони кўриш мумкин.

Шунингдек, Парламентлараро Иттифок Бош котиби Ўзбекистонга июнь ойида амалга оширган ташрифи ва давлатимиз раҳбари билан учрашуви ҳақида тўхталаркан, бу инсоннинг қатъияти ва оқилона сиёсати тўғрисида Марказий Осиёда ўзаро ишончга асосланган янги бир муҳит шаклланишини таъкидлади.

Кейинги асрларда инсоният улкан марраларини забт этди. Аммо тасоуф билан айтиш керакки, ана шу ютуқларга соя ташлаб турадиган қилмишлар ҳам йўқ эмас. Шулардан бири — гийёҳандлик савдоси ва у билан боғлиқ ўта жирканч жиноятлардир.

БМТ маълумотига қўра Марказий Осиё давлатлари ҳудудидан қўшни Афғонистонда етиштирилган наркотик моддаларнинг

катта қисми транзит равишда олиб ўтилади. Бу нафақат минтақа, айни чоғда ён-atroфдаги барча мамлакатларга салбий таъсирида қўрсатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, юртимизда унга қарши самарали кураш чоралари кўриб келинати. Масалан, наркотик моддаларга қарши қўрилган ишларнинг суиистеъмолига қарши курашиш бўйича ҳамкор давлатлар билан изчил ҳамкорлик қилинмоқда. Фаҳр билан айта оламизки, Ўзбекистон гийёҳанд моддалар савдоси ва ноқонуний айлиниши, у билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш борасида ҳам катта тажрибага эга.

Бу ҳақда бежиз гап очмадик. Венада БМТ Бош котиби ўринбосари, Гийёҳанд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ижрочи директори Гада Фатхи Вали билан бўлган учрашувда айнан шу масала таҳлил қилинди. Аниқ айтадиган бўлсак, унда БМТнинг Гийёҳанд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиё давлатлари учун махсус дастурини қабул қилиш ҳамда гийёҳанд мод-

Шмид билан бўлган учрашув ҳам Ўзбекистон шаънига айтилган илқ фикрларга бой бўлди. Хельга Шмид икки томонлама ривожланаётган ҳамкорлик алоқаларимизни юқори баҳоларкан, Ўзбекистон раҳбариятининг халқаро ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган очик ҳамда пухта сиёсати бўйича сўнгги йилларда катта муваффақиятларга эришилаётганлигини алоҳида қайд этди. Айни чоғда у Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни тўла қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонимиз ҳар томонлама янгиланмоқда. Буни ҳар бир жаҳада, барча жараёнда кузатиш қийин эмас. Масалан, сайловларни олиб қўрайлик. Охириги беш йилда сайлов қонунчилиги халқаро андозалар асосида тақомиллаштирилди ва муҳими, уларда сайловлар учун қўлайлик яратиш масаласи ҳам қамраб олинган.

Шу қўнларда мамлакатимиз яна бир катта тадбир — Президент сайлови арафасида турбиди. Ушбу сиёсий кампанияга бутун юртимиз бўйлаб пухта ҳозирлик қўрилмақда.

Бу масаланинг мавзуйимизга алоқадор жойи шундаки, Вена тадбирлари доирасида ЕХХТ Парламент Ассамблеяси президенти Маргарета Седерфельт билан бўлган учрашувда айнан шу масалага ҳам урғу берилди. Жумладан, Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган Президент сайловида Ассамблея кузатувчилари миссияси иштироки ҳамда шу муносабат билан ЕХХТ ПА президентининг Ўзбекистонга бўлажак ташрифи масалалари музокалар маркази бўлди.

ЕХХТ Парламент Ассамблеяси президенти ташкилот миссиясининг жорий йил 24 октябрь куни Ўзбекистонда бўлидиган Президент сайловида кузатувчи сифатида тақлиф этилгани учун миннатдорлик билдирди. Унинг “ПА делегацияси сайловда юқори даражадаги таркибда қатнашди ва бу ташкилот доирасида Ўзбекистонга “алоҳида эътибор берилмаётгани”дан далолат беради” деган сўзлари, айниқса, эътиборга молик.

Коллаверса, ЕХХТ ПА президенти Маргарета Седерфельтнинг сайлов пайтида Ўзбекистонга келиши ҳам юртимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларга хориқчилар, жумладан, халқаро ташкилотларнинг қизиқиши ортиб бораётганлигининг амалий тасдиғи, десак, муболага бўлмайд.

Жаҳон майдонида ўз сўзимиз ва ўрнимизга эга бўлиб, тобора юксалиб бораётганимиз бизни ҳаммасидан ҳам кўпроқ кураштиради. Буни Ўзбекистоннинг тақлифи асосида Парламентлараро Иттифокнинг навбатдаги сессияларидан бирини ёшларни қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига бағишлаш ҳамда ташкилот сессияларидан бирини мамлакатимизда ўтказиш ҳақида келишувга эришилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Умуман олганда, Вена шариҳида ўтказилган жаҳон парламентлари аёл раҳбарларининг 13-саммити ҳамда парламентлар раҳбарлари 5-бунтуғажох конференцияси, улар доирасида ўтказилган юқори даражадаги учрашувларда кўриб чиқилган масалалар ҳамда эришилган келишувлар нафақат юртимиз ва минтақамиз, балки бутун дунё учун муҳимлиги билан ниҳоятда аҳамиятли бўлди. Улар давомида юртимиз шаънига айтилган илқ фикр ва эътирофлар делегациямизнинг ҳар бир аъзосида унутилмас таассуротлар қолдирди.

ДУШАНБЕДАГИ САММИТДАН СЎНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА РАИСЛИК ЎЗБЕКИСТОНГА ЎТАДИ

Давлат раҳбарлари кенгаши ШХТнинг асосий органи ҳисобланади. Ташкилотнинг кўп қиррали ҳамкорлиги ва фаолиятини ривожлантириш стратегияси, истиқболлари ва устуворликларини, ШХТнинг бошқа халқаро тузилмалар ва давлатлар билан ўзаро ҳамкорлигининг энг долзарб халқаро муаммолари ва масалаларини кўриб чиқади ва аниқлайди. Ташкилотнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган принципал қарорлар қабул қилади, шунингдек, ШХТнинг ички тузилиши ва фаолиятининг асосий масалаларини ҳал қилади. Кенгаш, шунингдек, Бош котиб ва ШХТ Минтақавий ассилтерров тузилмаси ижрочи директорини тайинлайди ва уларни лавозимидан овоз этади.

Мамлакатимиз ШХТни терроризм, экстремизм, сепаратизм, наркотрафик, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, ўзаро манфаатли кўп томонлама савдо-иқтисодий, транспорт, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш соҳаларидаги ҳамкорлик воситаси деб билиди.

ШХТ платформаси ўзининг йирик аъзо давлатлари — Хитой, Россия ва Ҳиндистон билан тенг сиёсий мулоқотни таъминлашга, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг кенг қўламли масалалари юзасидан фикр алмашшга кўмаклашди.

Ўзбекистоннинг фикрча, бугун ШХТ жаҳонда тўлақонли ва нуфузли халқаро ташкилот сифатида ўзининг мустақам ўрнига эга.

Ҳиндистон ва Покистоннинг тўлиқ аъзолиги натижасида 2017 йилдаги кенгайишдан сўнг ШХТ Евроосиёнинг универсал кўп тартибига эга энг йирик трансминтақавий ташкилотига айланди.

Бугунги кунда ташкилот платформаси Ўзбекистонга минтақавий барқарорликни таъминлаш, жумладан, Афғонистон йўналишида, Марказий Осиё ва ШХТ маконининг улкан транспорт ва транзит салоҳиятини очиб, пандемиядан кейинги даврда иқтисодий ривожланиш учун қўшимча захираларни ишга тушириш, маданий-гуманитар алоқаларни фаоллаштириш ва бошқа устувор ҳамда стратегик соҳаларда кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича энг муҳим ташаббусларни илгари суриш имконини бериюқда.

Ўзбекистон ташкилотга уч марта — 2003-2004, 2009-2010 ва 2015-2016 йилларда муваффақиятли раислик қилди. Тошкентда бўлиб ўтган 2016 йилги саммитда 2017 йилдан эътиборан Ҳиндистон ва Покистонга ШХТга аъзо давлатлар макомини бериш имконини туғдирувчи муҳим тарихий келишувларга эришилди. 2017 — 2020 йилларда Ўзбекистон ШХТ саммитларида хавфсизлик, иқтисодийёт, транспорт

ва логистика, АКТ ва рақамлаштириш, маданий-гуманитар, туризм, халқ дипломатияси соҳаларидаги ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ва ташкилотнинг мавжуд органи фаолиятини тақомиллаштиришга қаратилган 32 та ташаббусни илгари сурди.

Хавфсизлик, транспорт, иқтисодийёт, илмий-техник ва рақамли ривожланиш, туризм ва халқ дипломатияси каби тематик соҳаларни қамраб олган 11 та ташаббус амалга оширилди. Хозирги кунда қолган ташаббусларни ҳаётга татбиқ қилиш ишлари давом эттирилмақда.

Долзарблиги ва амалий аҳамиятини инобатга олган ҳолда, республикамиз ташаббуслари ШХТга аъзо барча давлатлар томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Улар АКТ ва рақамлаштириш соҳасидаги ҳамкорликни, шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга янги туртки берди. Ушбу ташаббусларнинг аксарияти ШХТ доирасидаги ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги шакллари ишга тушириш имконини яратди. Жумладан, темир йўл маъмуриятлари раҳбарлари учрашувлари маъмуриятга асос солинди, ШХТнинг Ўзбекистондаги халқ дипломатияси маркази ва Самарқанд шаҳрида “Ипак йўли” халқаро туризм университети фаолият юртимизда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ШХТнинг 2020 йил 10 ноябрь куни бўлиб ўтган онлайн саммитида ташкилот доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг турли йўналишларида 12 та муҳим ташаббусни илгари сурди. Ушбу тақлифларни тўлиқ амалга ошириш учун идоралараро ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг ШХТга бўлажак раислиги учун фаол тайёргарлик ишлари олиб борилмақда, ташкилот раислиги концепцияси ва режаси ишлаб чиқилмоқда. Ушбу ҳужжатлар Душанбе шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги саммит доирасида ШХТга аъзо давлатларга тақдим қилинади.

Ўзбекистон ШХТга раисликнинг устувор йўналишлари Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида белгилаб берилган ташқи сиёсий фаолиятнинг энг муҳим вазифаларига мувофиқ, шунингдек, ташкилот доирасида Ўзбекистон томонининг асосий ташаббусларининг амалий ижросини таъминлашга қаратилган ҳолда ишлаб чиқилади. Транспорт соҳасининг ўзаро боғлиқлиги, ШХТ ишида иқтисодий механизмни мустаҳкамлаш, пандемия оқибатларига қарши курашиш, маданий-гуманитар алоқаларни чуқурлаштириш, шунингдек, Афғонистон минтақавий иқтисодий жараёнларга янада фаол жалб этиш шулар жумласидандир.

«Дунё» АА.

Россия ташқи ишлар вазири Сергей ЛАВРОВ: ИЗЧИЛ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ТУФАЙЛИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ, ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙўЛИДА САЛМОҚЛИ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШДИ

Москвада мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган махсус “Янги Ўзбекистон” журнали чоп этилди.

Эътироф

Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонасидан маълум қилинишича, 88 саҳифадан иборат мазкур нашрда мустақиллик йилларида мамлакатимиз тараққиётининг кешиши, амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар жараёнлари, шунингдек, сўнгги йилларда сиёсат, иқтисодийёт, маданият ва таълим соҳасида Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигининг ўсувчанлиги очиб берилган.

Икки мамлакат давлат идоралари ва парламентлари вакиллари ҳамда жамоат арбоблари, олимлар, экспертлар, журналистлар ва ёзувчилар томонидан ёзилган 23 та мақола ушбу журнал саҳифаларидан жой олган.

Журналнинг кириш мақоласи Ўзбекистон ва Россия ташқи ишлар вазирларининг қўтлов сўзларидан иборат. Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиллов 2016 йилдан эътиборан мустақил Ўзбекистон давлатчилик мамлакат ички ва ташқи сиёсати ривожига туддан янги босқичга кўтарилиганини қайд этган.

«Дунё» АА. Москва

ЕХХТ ДИИХБнинг Сайловни кузатиш миссияси вакилларида 12 нафарига халқаро кузатувчи мандатлари топширилди

Кеча Марказий сайлов комиссиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ)нинг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловни кузатиш миссияси раҳбари Оуэн Мерфи бошчилигидаги вакиллар билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот

Мулоқот давомида Марказий сайлов комиссияси Раиси З. Низомжўев ЕХХТ ДИИХБ билан ҳамкорлик самарали ривожланиб бораётгани ҳамда ўзининг ижобий натижаларини бераётганини таъкидлаб, халқаро кузатувчиларга жорий йилда бўлиб ўтадиган Президент сайловиغا тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига муводиф амалга оширилаётган ишлар ҳусусида батафсил маълумот берди.

Сайловни кузатиш миссияси (СКМ) вакиллари Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси билан сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ҳамда қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг сайловларни демократик асосларда ташкил қилишдаги роли билан таништирилди.

Қайд этиш жоизки, ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон ЕХХТ ДИИХБ миссиясининг сайловларни кузатиш борасидаги бир қатор тавсияларини амалга оширди. Бугунги кунга келиб, ЕХХТ ДИИХБ томонидан 2019 йилги ҳисоботида тақдим этилган 32 тавсиянинг 18 таси тула, 3 таси қисман қабул қилинди, 8 таси кўриб чиқилмоқда.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ «Халқ сўзи».

ЭЪТИБОР — ИЖОДКОРГА РАҒБАТ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида фаол ижодкорлар ўртасида ҳар йили ўтказиш келинадиган “Энг улғу, энг азиз” танловининг республика босқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танлов

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишлаб ўтказилган кўриқ-танлов ижод аҳлининг жамиятдаги фаоллигини ошириш, касбий маҳоратини юксалтириш, фидойи ижодкорлар қатламини юзага олиб чиқиш, иқтидор соҳибларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди.

Президентнинг 2020 йил 17 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарорига муводиф, ташкилотчилар томонидан унга катта тайёргарлик кўрилди. Тақдим этилган ижодий ишларда “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон аяшайлик” деган эзгу ғоя мужассам топганлигига эътибор қаратилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудидан турли ёшдаги ижодкорларнинг ижодий ишлари махсус ташкил этилган tanlov2021.uz сайтига жойлаштирилиб, онлайн овоз бериш тизими орқали кенг жамоатчилик иштирокида баҳолаб борилади. Ҳақамлар ҳайъати томонидан голиб ва совриндорларни аниқлашда онлайн овоз бериш натижаларига ҳам таянилади. Иштирокчилар 6 йўналиш —

босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг мақолалари, оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатига олинган веб-сайтлар ходимларининг журналистик ишлари, телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари, ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари, кино, тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари номинациялари бўйича тақдирланди.

Тантанали маросимда 6 йўналиш бўйича 1-ўрин соҳибларига I даражали диплом, замонавий ноутбук ҳамда плакетка, 2-ўрин голибларига II даражали диплом, телевизор, плакетка, 3-ўрин совриндорларига III даражали диплом, планшет ва плакетка топширилди.

Шу ўринда Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимиз вилоятларида ҳам “Энг улғу, энг азиз” танловининг худудий босқичлари юқори савияда ўтказилганини, улар яқинида кўра, худудларда фаолият олиб боровчи иқтидорли ижодкорлар мунисиб тақдирланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маълумот учун, ушбу кўриқ-танлов 1997 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ташкил этилиб, 24 йилдан буён ўтказиб келинади.

«Халқ сўзи».

ДУНЁ ТАМАДДУНИГА БЕШИК БЎЛГАН ЗАМИН

Форум қатнашчилари учун Ичан қальнин тарихий ёдгорликлари бўйлаб саёҳат ва театр томошалари ташкил қилинди.

Таъкидлаш лозимки, ТУРКСОЙ халқаро ташкилот ҳар бир “Туркий дунё маданияти пойтахти” деб танланган шаҳарда ташкилотга азво давлатларнинг санъати ва маданиятини очиб берувчи фотокўргазма ташкил этиш аъёнасини йўлга қўйган. Ана шу муносабат билан Хива шаҳрида ҳам ТУРКСОЙ халқаро ташкилотининг фотокўргазмаси очилди.

Сўз — форум иштирокчиларига

Габриэлла Рамос, ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари:

— Ўзбекистон Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган бой тарих ва бетакрор маданиятга эга мамлакат. Бу заминдан етишиб чиққан буюк алломаларнинг дунё илм-фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси бекёйс. Кейинги йилларда юртингизда ташкил этилаётган нуфузли халқаро конференциялар, форумлар, маданий тадбирлар Ўзбекистонни нафақат Марказий Осиёнинг, балки дунёнинг замонавий маданий-маърифий марказларидан бирига айланиб бораётганини аниқлатади. Бундай тарихий аҳамиятга эга бўлган форумни ЮНЕСКО шафелигида ўтказишда мақсад Ўзбекистоннинг бой маданияти ва жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссасини дунёга танитишдан иборат. Таъкидлаш жоизки, мазкур форум минтақа халқларининг дунё тамаддунига қўшган беҳис ҳиссаси ҳақида кенг қамровли фикр билдириш учун минбар вазифасини ўтайди. Шунингдек, минтақадаги интеграцион ислохотларнинг бугунги ва истибқолини мутахассислар томонидан чуқур таҳлил қилиш ва баҳолаш учун ҳам яхшигина муҳокама майдони вазифасини бажаради.



Элчин Гаффорали, форум иштирокчиси (Озарбайжон):

— 2019 йилнинг 30 ноябрь кунин Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ доимий кенгашининг 37-мажлисида 2020 йилда Хива шаҳри “Туркий дунё маданияти пойтахти”, деб эълон қилинди. Қадимий кенга бу маконни бериш тақдирини 2018 йил сентябрь ойида Қирғизистонда ўтказилган Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг VI саммитида билдирилган эди. Ҳар йили туркий тили давлатлар шаҳарларидан бирини турк дунёси маданияти пойтахти, деб эълон қилиш аъёнасига 2010 йилда туркий тили давлат раҳбарлари саммитида асос солинган. Айни пайтга қадар Нур-Султон, Эскишеҳир, Қозон, Марв, Шаки, Туркистон, Кастамону, Ўш шаҳарлари ана шу номга сазовор бўлган. Хивага келиб, очик осмон остидаги музей-шаҳарнинг қадимий осориликларини, минг йилликларга тенгдош обидаларини томоша қилиб, ниҳоятда ҳайратландик. Бу шаҳарнинг шундай юксак мақомага мунисиб қўрилгани беҳиз эмаслигига ана бир бор амин бўлдик. Хивада ТУРКСОЙ давлатлари маданият вазири раисининг доимий кенгаши йилги йиллигининг ўтказилгани алоҳида аҳамиятга молик воқеа. Йилги дастуриндан “Хива — туркий дунё маданияти пойтахти” лойиҳаси доирасидаги тадбирлар ҳақида хисобот, 2022 йилги туркий дунё маданий пойтахти ҳақидаги тақдимот ўрин олди.



Гавҳар Дурдиева, Хоразм Маъму академияси раисининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, сенатор:

— Хива 1990 йилда ЮНЕСКОнинг дунё маданий мерослари рўйхатига киритилган бўлиб, бугунги кунда сайёҳлар эътиборидан энг қадимий шаҳарлардан бири саналади. Қадимий ва хамиша навқирон Хиванинг 2020 йилда турк дунёси маданияти пойтахти деб эълон қилиниши шаҳарнинг жаҳон миқёсида доврғини янада кенг ёйиш, қардош халқлар билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳизмат қилди. Шаҳримизнинг бундай юксак мақомага эга бўлиши биз учун катта шарафдир. Бугун Хивада амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ана шу эътирофга мос келади. Бу билан ички ва ташқи туризмни янада ривожлантириш, янги инфратузилма объектилари, музей ва экспозициялар барпо этилади, сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажми ошади. Шаҳарда уюштирилган маданий тадбирлар, хорижий ва маҳаллий журналистлар учун медиа-турлар нафақат шаҳарни, балки бутун мамлакатимизни дунё миқёсида кенг танитади. Жаҳон жамоатчилиги юртимиз тарихи, табиати, ҳалқимиз турмуш тарзи ва маданияти, урф-одат ва аъёналари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди.



Одилбек ОДАМБОВ «Халқ сўзи».

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСИ ЯРАТИЛМОҚДА

Болалар ҳаётининг, турмушининг зийнатидир. Уларни ҳар томонлама барқамол қилиб вояга етказиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларига таянган ҳолда, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини босқичма-босқич ислоҳ этиш, бола ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилишга жиҳдий эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ешларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ҳамда “Бола ҳуқуқларининг қафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонда Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамловчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган эди. Шу асосда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (болалар оғибдусмони) тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

ҳуқуқлари бўйича вакилнинг аризалар, тақлифлар ва шикоятлар тарзиде келиб тушган муражаатларни кўриб чиқиши, бола ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишнинг айрим жиҳатларига

Гулрух АГЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



Дониёр Тўраев, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори ўринбосари:

— Бугунги кунда мамлакатимизда болалар манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг барқамол авлод бўлиб етишишини таъминлаш борасидаги фаолиятнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомил-

эътиборни кучайтириш зарур бўлганда вакил Олий Мажлис палатаси ва Вазирлар Маҳкамасига ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар қўришга қаратилган махсус маъ-

рузалар тақдим этиши белгиланяпти. Қонун лойиҳаси дастлабки босқичда қизгин муҳокама қилиниб, тақомилга етказиш мақсадида тегишли идора ва ташкилотларга ҳулоса олиш учун жўнатилди.

Қонун лойиҳаси масъуллар иштирокиде дастлабки тарзда муҳокамадан ўтказилди. Унда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгиланмоқда. Хусусан, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриinsonий ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш, инсон ҳуқуқлари, жиноят-ижроия соҳала-

лаштириш ҳамда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талабларини бажариш мақсадида кенг қўлмал ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Болалар оғибдусмонининг ҳуқуқий мақомини белгилувчи мазкур қонун

лоийҳаси Ўзбекистонда болалар манфаати учун энг маъқул йўлни танлаш принципини рўёбга қиаришга ва болалар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантиришга ҳизмат кўрсатувчи самарали парламент



институтининг юзага келишига асос бўлади. Мунисхон КАРИМОВА «Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Германия:

ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг Германия Федератив Республикаси делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ҳамда Германия ҳақида гап кетганда, ўзаро алоқалар нафақат яқин ҳамкорлик, балки яқин дўстлик ришталари билан йил сайин мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Жадал ҳамда оқилона ислохотлар натижасида мамлакатимиз парламентининг бу соҳадаги ҳамкорлик алоқалари янги босқичга олиб чиқилди. Олий даражада бўлиб ўтган учрашувлар мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорлиги учун катта салоҳиятга эга бўлган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий соҳаларда, шунингдек, энергетика, фан-таълим, техника, транспорт, туризм, саноат, инновацион ахборот технологиялари ва бошқа бир қатор соҳалардаги ҳамкорлик юксалиб бориши натижасида икки давлат ўртасидаги алоқалар

чилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси раиси Дилором Файзиёва Қонунчилик палатаси фаолияти, ундаги сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотлар, асосий мақсадлар ва устувор йўналишлар тўғрисида батафсил маълумот берди.

Учрашувда томонлар икки давлат ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада ривожлантиришга, шунингдек, давлатларо ўзаро муносабатларда кузатилаётган ижобий тенденцияларни янада мустаҳкамлаб боришга ҳизмат қилишни таъкидладилар.

Мулоқот дўстона ва очик рўҳда ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Ишчи гуруҳ йиғилиши

ЛОЙИҲА КАМЧИЛИКЛАРИ КЎРСАТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари қўмитаси Адлия вазирига ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг раҳбар ходимлари билан “Географик кўрсаткичлар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси юзасидан ишчи гуруҳ йиғилишини ўтказди.

Унда депутатлар қонун лойиҳасида қатор камчиликлар мавжудлигини таъкидлаб, агарда тегишли тузатишлар киритилмаса, қонун турлича талқин қилиниши ва бунинг оқибатида тадбиркорлик фаолиятини тўсиқлар пайдо бўлиши ҳақида оғохлантирди.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилаётган қонун лойиҳасининг 3-моддасида географик кўрсаткичга таъриф берилиб, унда географик объект ҳудудида товар хусусиятларини шакллантиришга сезиларли таъсир кўрсатадиган товар ишлаб чиқариш босқичларининг қанда биттаси амалга оширилиши лозимлиги белгиланган. Мазкур моддадаги “сезиларли” сифати

лотни худди ўша географик объектнинг бойлиқларидан фойдаланиб, ўзига хусусият билан тайёрласа ҳам географик кўрсаткич номидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолади.

Депутатлар фикрича, географик кўрсаткичлар бу умумий фойдаланишда ҳуқуқ бўлиб, уни фақатгина бир турдаги махсуслот учун бериб бўлмайди. Чунки географик кўрсаткич умумлаштирувчи характерга эга бўлиши лозим. Мисол тариқасида Швейцария соатлари келтириш мумкин. Швейцария соатлари брендиндан қатъи назар, “Swiss” географик кўрсаткичи кўрсатилади ва бу кўрсаткич барча турдаги соатларни умумлаштириб туради.

Баҳс-мунозаралардан сўнг агентлик барча эътирозлардан келиб чиқиб, қонун лойиҳасидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифаларни белгиллаб олди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг

Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси номидан

«Aloqainvest» ва «Alta vetta» масъулияти чекланган жамиятларининг шикоят буйича

Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни 18-моддасининг

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги иш юзасидан

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди — М.Абдусаломовнинг раислигида, судьялар А.Гафуров, Ф.Қаюмов, С.Қошаева, Б.Миробоев, Г.Пиржанов ва Қ.Улжаевдан иборат таркибда, катта эксперт Ш.Маждидовнинг котиблигида, тарафлар — «Aloqainvest» ва «Alta vetta» масъулияти чекланган жамиятларининг вакиллари Ж.Ортиқов ва Ш.Ботиров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори, Конституциявий суд ҳузуридаги илмий-маънавият кенгаши аъзоси Ф.Отахонов, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси О.Холмирзаев, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази директорининг ўринбосари У.Узаков, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Қашқадарё вилояти бўлими эксперти Т.Худойбердиев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Маждубрий ижро бюроси бўлим бошлиғи Н.Бурхонов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Маждубрий ижро бюросининг иқтисодий судлар ҳужжатларини ижро этиш бўлими катта инспектори У.Ҳамидов иштирокчида, «Aloqainvest» ва «Alta vetta» масъулияти чекланган жамиятларининг Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни 18-моддасининг 44-моддасига мувофиқлигини текшириш ва Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 54-моддаси тўғрисидаги шикоят буйича берилган тўғрисидаги муқофоти қўриб чиқди.

Аммо Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Маждубрий ижро бюросининг иқтисодий судлар ҳужжатларини ижро этиш бўлими катта инспектори У.Ҳамидов иш юриштида илгари баҳоланган уқундан кайта баҳолаш мақсадида мутахассис тайинлашга ҳақиқат эди. Чунки Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни 54-моддасида давлат ижроси томонидан мол-мулкни ёки мулкнинг ҳуқуқни баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот олинган (чиқарилган) пайтдан эътиборан уш шундан кечиктирмай ижро этиш юриштида тарафларга баҳолаш натижалари ҳақида билдиришга мажбур бўлиши белгилаб қўйилган. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган баҳолаш объектининг қиймати ҳусусида ижро этиш юриштида тарафлар ўтказилган баҳолаш тўғрисидаги ўзлари хабардор қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай судда низолаштиши мумкин.

Демак, қайта экспертиза суд томонидан тайинлаши мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелда қабул қилинган «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилмаган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги ПҚ-843-сонли қарори билан тасдиқланган «Баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар тўғрисида»ги Низомнинг 39 ва 40-бандларига мувофиқ, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботи экспертизадан ўтказилинган бюртмачиси олинган ҳулосага рози бўлмаган тақдирда, ушбу низо суд томонидан қўриб чиқилади.

Баҳолаш объектиларини баҳолаш бўйича материалларни экспертизадан ўтказиш учун баҳолаш вазиятларида суд органларининг сўровномаларига кўра белгиланган тартибда эксперт комиссияси тuzилади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ва баҳолаш тўғрисидаги мазкур ҳисобот юзасидан баҳоловчи ташкилот экспертизаси ҳулосасининг ишончилигини аниқлаш учун баҳолаш материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссияси ҳулосаси фақат суд сўровномасига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинади. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот суд томонидан ҳақоний эмас, деб эътироф этилган тақдирда, суд баҳолаш материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссияси ҳулосаси фақат суд сўровномасига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинади. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот суд томонидан ҳақоний эмас, деб эътироф этилган тақдирда, суд баҳолаш материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссияси ҳулосаси фақат суд сўровномасига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинади.

Маждубрий ижро бюросининг ходими томонидан қонунчилик ҳужжатларининг ушбу нормаларига амал қилинмаган.

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Қашқадарё вилояти бўлимининг давлат суд эксперти Т.Худойбердиев томонидан судга оид товаршунослик экспертизаси бўйича берилган эксперт ҳулосасида «SBM Euromix 3000» бетон қорши уқунининг 2019 йил август ойи ҳолатида қайта тикланиш қиймати 9 113 764 200 (тўққиз миллиард бир юз ўн уч миллион етти юз олти миң тўрт миң икки юз) сўми ташкил этиши аниқланган.

Аммо суд эксперти суд экспертизасини ўтказиш учун асос, яъни суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ақрим бўлмаган тақдирда, суд экспертизасини ўтказишга ҳақиқат эди. Чунки Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни 17-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, сурштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг қарори, суднинг ақрими суд экспертизасини ўтказиш учун асос бўлади. Суд экспертизаси тегишли қарор ёки ақрим чиқарилган кундан эътиборан тайинланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Маждубрий ижро бюросининг иқтисодий судлар ҳужжатларини ижро этиш бўлими катта инспектори У.Ҳамидов 2020 йил 14 майда уқунани электрон онлайн-аукционда сотувга чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган.

Давоғарлар «Aloqainvest» МЧЖ ва «Alta vetta» МЧЖ давлат суд эксперти ҳулосаси ва Маждубрий ижро бюроси иқтисодий судлар ҳужжатларини ижро этиш бўлими катта инспектори қароридан норози бўлиб, 2020 йил 16 мартдаги давлат суд эксперти ҳулосасини ишончи эмас деб топиш ва давлат ижросининг қарорини бекор қилиш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Шуларга кўра, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судлари Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази ва баҳолаш фаолиятини амалга оширадиган баҳоловчи ташкилот фаолияти бир-биридан мустакил эканлиги ва уларнинг фаолияти алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши, Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни 18-моддасига мувофиқ давлат суд эксперти ҳулосаси асосланганлигида ёки унинг тўғрисидаги шикоят тўғрисидаги ҳисобот олинган далиллар ишончи эмас деб топилганда ёки суд экспертизасини ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда қайта

суд экспертизаси тайинлаши белгиланганиги боис даъвогарларнинг важдарини асосиз деб топиш, даъвогарларнинг ушбу даъво талабини қаноатлантириши рад этган.

«Aloqainvest» МЧЖ ва «Alta vetta» МЧЖ Ўзбекистон Республикаси Олий судига Тошкент туманлар суд иқтисодий судининг 2020 йил 28 июлдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар иқтисодий суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 15 октябрдаги қарори устидан шикоят билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати 2021 йил 20 январдаги қарори билан Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни 18-моддасини қўллаб, ушбу ҳолатда давлат суд экспертизаси ҳулосасини ишончи эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво иқтисодий судга таллуқли эмас деб ҳисоблаб, биринчи ва апелляция инстанцияси қарорларининг тегишли қисмларини бекор қилиб, ушбу даъво талаби бўйича иш юриштини тугатган.

Давоғарлар ишни қасaccia тартибда такроран қўриш учун протест қилишни сўраб Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси номига ариза билан мурожаат қилган. Мазкур ариза асослар мавжуд эмаслиги сабабли қаноатлантирилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни 18-моддаси қуйдагича ифода қилинган:

«18-модда. Қўшимча ва қайта суд экспертизалари

Қўшимча суд экспертизаси ҳулосадаги бўлиқларнинг ўрнини тўлдирish учун тайинланад ва шу ёки бошқа суд эксперти (суд эксперти ралари комиссияси) томонидан ўтказилади.

Хулоса асосланганлигида ёки унинг тўғрисидаги шикоят тўғрисидаги ҳисобот олинган далиллар ишончи эмас деб топилганда ёки суд экспертизасини ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда қайта суд экспертизаси тайинланади.

Қайта суд экспертизаси тайинланганда суд эксперти (суд эксперти ралари комиссияси) олдида илгари қўлланган текшириш усулларининг илмий асосланганлиги тўғрисидаги масала қўйилиши мумкин.

Қайта суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ақримда қайта суд экспертизасини тайинлаган органнинг (шахсининг) биринчи (олдинги) суд экспертизаси ҳулосасига қўшилмаганлиги сабаблари кўрсатилиши лозим.

Қайта суд экспертизасини ўтказиш бошқа суд эксперти (суд эксперти ралари комиссияси)га топширилади. Биринчи (олдинги) суд экспертизасини ўтказган суд эксперти (суд эксперти ралари комиссияси) қайта суд экспертизасини ўтказишда ҳозир бўлиши ва тушунтиришлар бериши мумкин, лекин у текшириш ўтказиш ва ҳулоса тuzишда иштирок этмайди».

Ушбу модданнинг иккинчи қисмига мувофиқ ҳулоса асосланганлигида ёки унинг тўғрисидаги шикоят тўғрисидаги ҳисобот олинган далиллар ишончи эмас деб топилганда ёки суд экспертизасини ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда қайта суд экспертизаси тайинланади. Мазкур қоида биринчи (олдинги) суд экспертизаси натижаларини суд тартибда низолаштиши мумкинлигини билдиради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексининг 82-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 176-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг Фўқаролик процессуал кодексининг 96-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юришти тўғрисидаги кодексининг 81-моддасида ҳам қўшимча ва такрорий экспертизалар ўтказилиши назарда тутилган.

Мазкур моддаларда белгиланганидек, такрорий экспертизани тайинлаш тўғрисидаги ақримда такрорий экспертизани тайинлаган суднинг биринчи (олдинги) экспертиза ҳулосасига рози эмаслиги сабаблари кўрсатилиши лозим.

Демак, кодексларнинг юришда қўрилатиб ўтилган нормалари ҳам биринчи (олдинги) экспертиза натижаларини суд тартибда низолаштиши мумкинлигини назарда тутди.

Қайд этилган қонун нормалари тахлили асосида қуйидаги ҳулосага келиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Маждубрий ижро бюросининг иқтисодий судлар ҳужжатларини ижро этиш бўлими катта инспектори ижро этиш юриштида баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботи экспертизадан ўтказишнинг бюртмачиси олинган ҳулосага рози бўлмаган тақдирда ушбу баҳс суд томонидан қўриб чиқилиши инобатга олиши лозим эди.

2. Биринчи (олдинги) экспертиза ҳулосаси бўйича судда низолаштиши мумкин. Бундай ҳолда судья ёки суд томонидан такрорий (қайта) экспертиза ўтказиш учун асослар мавжуд бўлса такрорий (қайта) экспертиза ўтказиш тўғрисида тегишли қарор ёки ақрим чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бир-

лашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қаноатлантирилади».

Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни 18-моддаси иккинчи қисмида экспертиза ҳулосаси бўйича судда низолаштиши мумкинлигининг назарда тутилиши бу модданнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

3. Такрорий (қайта) экспертиза ҳулосаси юзасидан суд тартибда низолаштиши мумкинлиги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасида ва Ўзбекистон Республикасининг процессуал кодексида назарда тутилмаганлиги ушбу қонданнинг Конституцияга мувофиқ эмаслигини аниқламайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 17-моддасига мувофиқ, баҳолаш объектининг баҳолашдан ўтказиш натижалари баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот билан расмий-лаштирилади. Ушбу Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, зарур бўлган ҳолда, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончилигини текшириш учун мазкур ҳисобот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа баҳоловчи ташкилот томонидан шартнома асосида экспертизадан ўтказилиши мумкин.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончилигини экспертизадан ўтказиш натижалари эксперт ҳулосаси билан расмийлаштирилиши кўрсатилган.

Мурожаат қилувчиларнинг Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни 54-моддасининг тўққизинчи қисмига шарҳ бериш тўғрисидаги сўрови юзасидан уларга фуқаролар ва юридик шахслар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беришни сўраб Конституциявий судга бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмаслигини тушунтириш лозим бўлади.

Чунки Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беришни сўраб Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига фақат «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг 27-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган давлат органлари ва мансабдор шахслар эга.

Қоридан баён қилинганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 109-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни 4-моддаси биринчи қисмининг 1-банди, 69, 72, 82 ва 86-моддаларига амал қилган ҳолда, Конституциявий

Қ А Р О Р К И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни 18-моддаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ деб топилсин.

2. Рўйхатга олинган мол-мулкни баҳолашни ташкил этиш соҳасида давлат органлари ходимлари томонидан қонунчилик ҳужжатларининг нотўғри қўлланилиши ҳолатлари мавжуд эканлиги қайд этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Маждубрий ижро бюросига бюроси таъминлаш жараёнида рўйхатга олинган мол-мулкни баҳолашни ташкил этишда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга қатъий риоя қилиниши таъминлаш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказига суд экспертизасини ўтказишда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган суд экспертизасини ўтказиш асослари мавжуд бўлган ҳоллардагина суд экспертизаси ўтказилиши таъминлаш тавсия этилсин.

5. Мурожаат қилувчиларга улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беришни сўраб Конституциявий судга «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг 27-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган давлат органлари ва мансабдор шахслар орқали мурожаат қилишлари мумкинлиги тушунтирилсин.

6. Ушбу қарор «Халқ сўзи» газетаси, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

7. Мазкур қарор қатъий, унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас ва у расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди

Тошкент шаҳри, 2021 йил 13 сентябрь

Диққат, қабул!

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 августдаги 207-сонли буйруғига мувофиқ 2021/2022 ўқув йилида клиник ординатура (резидентура)га қабул бошланди. Клиник ординатурага кириш учун танлов «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш» рўзномасида эълон қилинди. Танловда қатнашиш учун ҳужжатлар қабули 10 сентябргача (шу кунга ҳам) Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 февралдаги ПҚ № 4592-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 августдаги 207-сонли буйруғига мувофиқ терапевт мутахассислиги учун давлат гранти ва ҳокимлик тўлов-шартнома асосида қабул қилувчилари (мақсадли ўринлар) ҳисобидан «Гематология ва трансфузиология» клиник ординатура мутахассислиги учун қабул қилувчилари ажратилган.

«Гематология ва трансфузиология» ихтисослиги бўйича клиник ординатура (резидентура)га ўқишга киришга талабгорлар жадалга мувофиқ ҳужжатлари қуйида кўрсатилган муассасаларга топширади:

- 1. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида яшовчи талабгорлар Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказига;
2. Сурхондарё ва Жиззах вилоятларидан талабгорлар Тошкент тиббиёт академиясига;
3. Хоразм вилоятидан талабгорлар Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалига;
4. Сирдарё вилоятидан талабгорлар Тошкент педиатрия тиббиёт институтига;
5. Андижон ва Наманган вилоятларидан талабгорлар Андижон давлат тиббиёт институтига;
6. Бухоро ва Навоий вилоятларидан талабгорлар Бухоро давлат тиббиёт институтига;
7. Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидан талабгорлар Самарқанд давлат тиббиёт институтига;
8. Фаргона вилоятидан талабгорлар Фаргона жамоат саломатлиги тиббиёт институтига;
9. Қорақалпоғистон Республикасидан талабгорлар Қорақалпоғистон тиббиёт институтига;
10. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази.

Жадал

Table with 4 columns: №, Ўқув муассасаси, Шаҳар ва ҳудудлар номи, Қвота ўринлари сони. Lists 10 educational institutions and their respective quotas.

Клиник ординатура (резидентура)га қабул бўйича саволларингиз билан марказнинг илмий ишлар бўлими директори ўринбосари А.Д.Махмудова ва илмий котиб Г.Н.Давлатовага мурожаат этишингиз мумкин.

Богланиш учун телефон рақами: +998 93 5500092 илмий ишлар бўлими директори ўринбосари А.Д.Махмудова, +998 90 3237822 илмий котиб Г.Н.Давлатова.

Маъмурият.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертизаларини қайта тайёрлаш курсларида ўқиш учун ҳужжатларни қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертизаларини қайта тайёрлаш курсига 2021 ўқув йили учун ҳужжатларни қабул қилиш мuddати 2021 йил 30 сентябрга қадар узайтирилганлигини маълум қилади.

- Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:
— марказ директори (комиссия раиси) номига ариза (аризада талабгорнинг қайси тилда таълим олиш истаги кўрсатилади);
— паспорт нусخаси;
— маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси;
— 3,5x4,5 см. ҳажмидаги икки донга фотосурат;

— нодавлат суд-экспертиза ташкилоти номидан тавсиянома (агар талабгор юридик шахс ходими бўлса) —

Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказига келиб ёки почта ёхуд info@sudex.uz электрон почта орқали сифатли (қўринарли, яхши ўқиладиган) даражада тақдим қилишлари (суббат жараёнида ҳужжатларнинг асли кўрсатилади) лозим.

Қабул комиссияси томонидан (оёнинг ёки рус тилида) сўхбат 2021 йил сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд

экспертизаси маркази биноси (Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фаргона йўли кўчаси)да ўтказилади.

Ўқиш олти ойдан (24 ҳафта) кам бўлмаган мuddатда ташкил этилади.

Ўқиш учун тўлов миқдори ўқув жараёни аънавий таълим шаклида ташкил этилганда амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 45 (қирқ беш) баравари, масофавий таълим шаклида ташкил этилганда эса базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 (қирқ) баравари даражаида амалга оширилади.

Қўшимча маълумот учун телефон: 71-209-11-55 (ички — 190). Электрон манзил: info@sudex.uz

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оmmавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 31 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЁЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДІ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ. ГАЗЕТАНИНГ ОТКАЗІБ БЕРІЛИШИ УЧУН ОБУВАНИ РАСМИЙЛАШТИРГАН ТАШКІЛОТ ЖАВОБГАР. ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРМИД ХАМДА ОПЕРАТОР А. ИСМАИЛОВ ТОМОНІДАН САЎДІФАЛАНДИ. ГАЗЕТАНИНГ ПОДПІСКИНГА АЖАТДАН СИФАТЛИ ЧОП ЭТИЛИШИГА «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ МАСЪУЛ. БОСМАХОНА ТЕЛЕФОНИ: 71-233-11-07.